

## ЮРИСТНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КАСБИЙ ТАЖРИБАСИДА ЮРИДИК МЕХНАТ ПСИХОЛОГИЯСИ ИЛМИ

Сулаймонова Дилдор Араловна

Тошкент шаҳар юридик техникум психологи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6920135>

**Аннотация.** Мазкур мақолада ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаолияти билан боғлиқ касб ходимлари касб фаолиятининг мураккаблиги ва фаолиятида учрайдиган муаммоли ҳолатларни, унга қўйилган талаблар тўғрисида тасаввурга эга бўлишида юридик меҳнат психологияси билан нафақат олий таълим ўқув юртларида ўз навбатида профессионал таълимда ҳам ўқитилиши зарурати, унда булғуси юристларни, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларда ишлашни мақсад қилувчи ёшларни инсон ва қонунлар, юридик фаолиятнинг психологик жиҳатлари билан таништириши, уларда белгили даражада кўникма ва малакаларни шакллантириши, психологик ва юридик интеграциялашган билимлар билан қуроллантириши, юридик соҳада самарали фаолият олиб бориши учун фақат юридик билимларнинг бўлиши камлик қилиши юридик психология фанининг ёрдамида фаолиятидаги вазият чалкашликларини профессионал юмшатиши мумкинлигига эътибор қаратиши зарурлиги назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** юридик психология, интеграциялашган билимлар, конструктив яъни мурасали мулоқот, ижтимоий билим, мантиқ, таҳлил, тасдиқ излаш, коммуникатив ва ташиқлотчилик хусусиятлар, профессионал ёндошув.

## НАУКА ЮРИДИЧЕСКОЙ ПСИХОЛОГИИ ТРУДА В ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ ОПЫТЕ ЮРИСТА

**Аннотация.** В данной статье подчеркивается необходимость обучения юридической трудовой психологии не только в высших учебных заведениях, но и в системе профессионального образования, чтобы представители профессий, связанных с деятельностью правоохранительных органов, имели представление о сложности своей профессии и возникающих проблемных ситуациях в своей деятельности, требованиях, предъявляемых к ним, ознакомления молодых юристов и молодых людей, намеревающихся работать в правоохранительных органах, с людьми и законами, психологическими аспектами юридической деятельности, формирования у них умений и навыков на определенном уровне, вооружения их психологическими и юридическими комплексными знаниями, обращения внимания на то, что одних правовых знаний недостаточно для осуществления эффективной работы в правовом поле, и что путаница ситуации в работе может быть профессионально смягчена с помощью науки юридической психологии.

**Ключевые слова:** юридическая психология, интегрированное знание, конструктивно-примирительное общение, социальное знание, логика, анализ, поиск подтверждения, коммуникативно-организационные характеристики, профессиональный подход.

## THE SCIENCE OF LEGAL LABOR PSYCHOLOGY IN THE PROFESSIONAL EXPERIENCE OF A LAWYER

**Abstract.** This article emphasizes the need to teach legal labor psychology not only in higher educational institutions, but also in the system of vocational education, so that representatives of professions related to the activities of law enforcement agencies have an idea

*of the complexity of their profession and the emerging problem situations in their activities, the requirements to them, familiarizing young lawyers and young people intending to work in law enforcement with people and laws, the psychological aspects of legal activity, developing their skills and abilities at a certain level, equipping them with psychological and legal complex knowledge, drawing attention to the fact that legal knowledge alone is not enough to carry out effective work in the legal field, and that the confusion of the situation at work can be professionally mitigated with the help of the science of legal psychology.*

**Keywords:** *legal psychology, integrated knowledge, constructive and conciliatory communication, social knowledge, logic, analysis, search for confirmation, communicative and organizational characteristics, professional approach.*

## **КИРИШ**

Бизга маълумки, ҳар бир касбнинг ўзига хос қийинчилик ва машаққатли томонлари мавжуд. Бу қийинчиликлар касбий билимларимиз етарли эмаслигидан эмас, балким психология соҳасидаги билим ва кўникмаларимиз етарли эмаслигидан ҳам келиб чиқмоқда.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Юрист касбини назарда тутсақ фаолиятидаги энг асосий масала бу - инсонлар билан ишлашдир. Шахс, юридик касбини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти билан боғлиқ касбларнинг бирини танлашдан олдин, биринчи галда бўлғуси касб фаолиятининг мураккаблиги ва унга қўйилган талаблар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида учрайдиган ана шу муаммоли ҳолатларни ҳисобга олиб, нафақат олий таълим ўқув юртларида ўз навбатида профессионал таълимда ҳам юридик психология фанининг тизимидаги юридик меҳнат психологияси мавзусини, айниқса, битирувчи томонидан танланадиган касбнинг тушунчасини ўқувчига тўла - тўқис етқазиб бериш, лекция ва семинар мавзуларини ўқитишни ташкил этиш ўз натижаларини бериши сўзсиз.

Юрист бўлишни ҳоқловчилар ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда ишлашни истовчилар олдин мана шу касбнинг меҳнат психологияси билан таниш бўлишлари, шу соҳага тегишли касбларнинг машаққатларини олдиндан билишлари, шу ҳақиқатга тайёр туришлари керак. Бу соҳа вакиллари соҳанинг ижтимоий билим, изланиш, мантик, таҳлил, тасдиқ излаш, коммуникатив ва ташкилотчилик хусусиятлари борлигини билишлари керак.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Оддий юридик касбларнинг бири ҳисобланган терговчи фаолиятини таҳлил қиладиган булсақ, унда бутун юридик соҳаларга ўрток бўлган қонуниятларни кўришимиз мумкин. Терговчи иш фаолияти ҳам юқорида қайд этганимиздек турли хил фаолият ҳаракатларини ўзида қамраб олувчи омиллар вужудга келадиган махсус вазиятларда ўз ифодасини топади.

Терговчи фаолияти давомида изланиши, жиноятни очиш мақсадидаги маълумотларни йиғиш жараёнида пайдо буладиган масалаларни ва муаммоларнинг ечимини топишга профессионал ёндошув бўлиш учун психологик билим ҳам ўзига хос ҳисобланади.

Тергов ҳаракатларининг биринчи босқичидан психологик билим ниҳоятда зарур бўлади. Жумладан, қуршаб турган муҳитдан криминоген аҳамиятга эга булган маълумотларни топиб, ажратиб олиш мақсадининг мазмуни шундай ҳусиятга эга бўлиши керакки унинг ёрдамида жиноятни очиш ва ходисани қайта жонлантириш, гавдалантириш имкониятини берадиган маълумотларни келтира билиши керак бўлади. Терговчи фаолиятининг муваффақияти унинг диққати яъни ишга этиборлиги, бошланғич нуқта ва воқеа (ходисани) жонлантириш учун криминоген билимлар билан бирга психологик билим ва топқирлик, соҳага оид тажрибалар талаб этилади. Зарур бўлган маълумотлар, излар кўринишида ёки қатнашчиларнинг, гувоҳларнинг хотираларида қолиб кетган маълумотлар кўринишида бўлиши мумкин, шу информацияларни олиш ёки баҳолаш учун психологик билим ва куникмаларни терговчи (эгаллаган) бўлиши керак.

Терговчи мақсадга эришиш ёки натижа бўлиши учун бир неча одамларнинг фаолиятини бириктириб уларнинг олдига тўғри ва аниқ вазифалар қўяди. Ҳодисанинг (ишнинг) яҳлит кўринишини тузиш фаолиятида терговчи олинган маълумотларни қайта ишлайди, таҳлил қилади, ходисани жонлантиради, тергов версияларини олға суради, олинган маълумотлар асосида қарор қабул қилади, ўзининг билим ва тажрибасига таянган ҳолда терговнинг кейинги босқичи режасини тузади. Терговчи фаолиятининг ижтимоий томони у ҳудудда жиноятчилик билан курашувчи вакил ва бир вақтнинг ўзида уни ташкиллаштирувчи, жиноятчилик ҳодисасини таҳлил қилади уни тугатиш чораларини кўради. Терговчининг ўз фаолиятидаги когнитив (билиш) яъни онг ости ихтиёр этиши куйидагиларга асосланиши керак; ўйланиб иш куриш, барқарор бўлиши, мақсадни кўзлаб режали асосда ишни ташкиллаштириши зарур.

Прокурор шахсининг фаолияти давомидаги характер хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, прокурор шахси ўзининг кўпқирралиги, бир вақтнинг ўзида прокурор назоратини олиб бориш билан бирга фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини ташкиллаштирувчи, кучли иродавий фазилатларга эга бўлиши, катта шахсий ташаббускорликни, катъиятлилиқни, курашчанглиқни, катъий мақсадларни, кучли ташкилотчилик қобилиятни талаб қилади.

### **МУҲОКАМА**

Прокурор онгида куйидаги сифатлар бўлиши шарт:

- юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган ходисанинг маъносини, келиб чиқишини англаши, сезиши учун чуқур фикрлаши, яқин оралиқда ва келгусида рўй берадиган ёки рўй бериши мумкин бўлган фактларни башоратлаши, бўлиб ўтган ёки юз бериши мумкин бўлган ходисалар натижасидан огоҳлик ва унинг таъсирини баҳолаши;

- онгнинг кенглиги: хар хил билимларни эгалаши, фойдаланишни билиши, хабардорлиги, назария ва амалиётда учрайдиган кенг доирадаги саволларнинг жавобларини билиши;

- вазиятни тезда баҳолай олиши, хар хил шароитда натижали фикрлаш қобилияти, тезлик ва моҳирлик;

- ҳеч кимнинг ёрдамисиз муаммо кўя олиш ва унинг ечимини топиши, мустақил фикрлаши юксак ақл заковатга эгалик;

- мақсадга интилувчанлик, шароит қурбонига айланмасдан, ўзини йўқотиб қўймасдан иродали фикрлаш фазилати, олдига қўйилган масаланинг ечимини топа олиши

ва узок муддатга ёдлаш қобилияти, муоммо ечими билан режали кетма кетликда шуғулланиш;

- танқидийлик, вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаганда хато юбормаслик учун тахминларни баҳолай олиши;

- излувчанлик, ҳолатни ҳар хил нуқталардан ўрганиш, ҳар хил вариантларни текшириб кўриши ва шу тамойилга амал қилиши, ўзининг ишини керак бўлса қайтадтан ташкил этиши, ҳаракат усулларини ўзгартириши, янги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аввал қабул қилинган ечимларни, хулосаларини ўзгартириши фазилатларига эга бўлиши керак.

### ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда, терговчидан тергов жараёнинг лидери бўлиши, прокурордан эса давлат айбловчиси сифатида конструктив яъни муросали мулоқотни излаши ва ҳақиқатни қарор топтириши талаб этилади. Терговчи, прокурор ва юристлик касбида иш юритувчи шахслар юқорида санаб ўтилган билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун эса албатта юристнинг меҳнат психологиясидан хабардор бўлиши зарурдир.

### REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017, 14-16-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 25-30бет.
3. О.М. Шабалин. Юридическая психология: курс лекций. Пермь. ПГНИУ. 2020. 25 стр.
4. Д.Т.Сапаров “Юриспруденция” йўналиши қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиси. Диплом иши.ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ. Тошкент. 2021. 42 бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 257-II-сон . Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонун.
7. Ўзбекистон республикаси Адвокатлар палатаси 2013 йил 28 сентябрдаги II Конференциясининг қарорига 8 – илова.